
ТАЪЛИМ МУАССАСАСИДА ТАДБИР

ТАЪЛИМ МУАССАСАСИДА ТАДБИР

26-сонли умумий ўрта таълим мактабида 8-март - Халқаро хотин-қизлар кунига бағишлаб ўтказилган байрам тадбирида туман ҳокими Сайидбаҳром Сайидмусаев, туман секторлари раҳбарлари иштирок этдилар.

Сўз олган туман ҳокими барча мактаб аёллари - педагогик жамоа ва ўқувчиларни байрам билан табриклаб, Республикамизда Президентимиз томонидан берилаётган барча имкониятлардан самарали фойдаланиб, сидқидилдан фаолият олиб бориш ва Ватанга садоқат билан хизмат қиладиган кадрлар бўлиб вояга етишларини тилади.

Тадбир давомида туман ҳокими барча аёл-муаллималар ва фаол бўлган ўқувчиларга туман ҳокими ва туман халқ таълими бўлими фахрияномалари ҳамда эсдалик совғаларини тақдим этди.

Сўх тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

2022-03-08 14:29:11